

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ

**“МУҲАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ ҚУРИЛИШИ ВА
МОНТАЖИ” КАФЕДРАСИ**

37-КТМКҚ-10 гуруҳ талабаси
АБДУРАХМОНОВ АБДУЛЛО ИСОҚЖОН ЎҒЛИ
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: Қувурларни иссиқлик ўтказувчанлигини аниқлаш
қурилмасини яратиш ва иссиқлик ўтказувчанлик мавзусини янги
педагогик технология асосида ўқитишни режаслаштириш

Илмий раҳбар:
доц. Н. Р. Ходжиев.

Наманган - 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-5
АСОСИЙ ҚИСМ	
I боб. Наманган вилоятидаги форфор буюм ва ғишт ишлаб чиқариш кичик корханалари ҳақида маълумот ва уларни тахлили	6
1.1. Наманган вилоятидаги мавжуд ғишт заводлари назарий маълумотлар...	6-8
1.2. Тажриба қурилмаларини тайёрлаш.....	9-10
1.3. Тажриба-синов учун тайёрланган қурилмани геометрик ўлчамларини аниқлаш.....	11-15
1.4. Ҳарорат ўлчаш асбоблари.....	16-19
1.5. Тажриба қурилмасида синов ишларини ўтказиш.....	20-21
II боб. Методика қисми	
2.1. Маъруза машғулотининг технологияси.....	22-23
2.2. Ўқув материаллар.....	24-27
2.3. Тажриба машғулотининг ўқитиш технологияси.....	28
2.4. Тажриба машғулотининг технологик картаси.....	29-30
III боб. Иқтисодий самарадорлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	31-36
Умумий хулосалар ва тавсиялар	37-38
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	39-40
Иловалар	41-45

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида” ги № ПФ-4512 сонли фармониға асосан иккиламчи энергия манбаларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича бир қатор ишлар амалға оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳамда ижтимоий ҳаётда фойдаланиш учун етарли миқдорда энергия ресурсларига эға. Ҳозирги кунда энергетика ресурслари ишлаб чиқариш ҳажми ички талабдан 15–20 фоиздан ортиқни ташкил қилмоқда. Натижада ёқилғи-энергетика комплексини тез ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишиға айланган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг базавий соҳаси ҳисобланади ва муайян ишлаб чиқариш ва илмий-техник манбаига эға бўлиб, унинг ривожланишиға салмоқли таъсир кўрсатади.

Ўртача ҳалқаро ўлчовларда Ўзбекистоннинг шартли ёқилғи захираси ўзига хос салоҳиятға эға бўлиб, тахминан 14 млрд. тоннаға яқин шартли ёқилғига эға. Асосланган углеводород захирасининг ҳажми, ўзбек фойдали қазилма конларида, ўртача, дунё масштабида ҳисоблаганда, 594 млн. баррель нефть ва 1,9 трлн. м³ газға тенг.

Шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистондаги энергия ресурсларининг умумий истеъмол баланси охириги ўн йилликда табиий газ 84–87 фоиз, мазут — 11–8 фоиз ва кўмир — 3,5–4,4 фоизни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, ёқилғи энергетика баланси шаклида энергетика хавфсизлиги талабларига оптимал жавоб бермайди. Маълумки, нефть ва газ захиралари бошқа давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам камайиб бормоқда, у бир неча ўн йилликларға, шу билан бирға кўмир захираси 250 йилдан кўпроқ муддатға етиши мумкин. Шундан хулоса қилиб, бугунги кўмирнинг Ўзбекистон энергетикасидаги роли пастлигини ҳисобға олган ҳолда уни ошириш учун фаоллик кўрсатиш зарур. 2015 йилгача бўлган

ёқилғи-энергетика балансининг диверсификациялаш режасида кўмир қазиш 11,0 фоизга етказилиши белгиланмоқда.

Келгусида энергия етказувчилардаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, Марказий Осиё худуди ва Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси, шунингдек, тахмин қилинаётган энергия истеъмолининг айниқса, қишлоқ жойларда ўсиши ҳисобга олинса, қайта тикланадиган энергияни ривожлантириш зарурияти шубҳасиздир.

Бутун дунёда энергетик кризис ҳукм сураётган вазиятда қайта тикланадиган энергия манбааси яна ҳам оммабоп бўлиб бормоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлларида бири сифатида электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ҳамда энергияни тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш лозимлигини, мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурслардан нечоғли тежамли фойдалана олишимизга боғлиқ эканлигини алоҳида қайд қилиб ўтганлар. Ҳозирги пайтда қазиб олинадиган ёқилғилар — кўмир, нефть, табиий газ ва уран захираси дунё энергетика балансининг асоси ҳисобланади. Энергоресурсларини ҳозирги даражада истеъмол қилишда дунёдаги нефть захираси — 45–50 йилга, табиий газ — 70–75 йилга, тошкўмир — 165–170 йилга, кўнғир кўмир — 450–500 йилга етиши мумкин. Иқтисодиётнинг келажакдаги ривожланиши, аҳолининг ўсиши ва мавжуд анъанавий энергия таъминоти ҳисобга олинса, энергия таъминоти мос равишда ортиб боради. Ундан ташқари, қазиб олинган ёқилғиларни ишлатиш атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Республикада энергетика секторининг фаолияти туфайли ташланадиган захарли моддалар миқдори 80 фоиздан кўпроққа тўғри келади.

Бутун дунё ноанъанавий энергия турларидан фойдаланишга катта қизиқиш билдирмоқда. Ноанъанавий ва қайта тикланиш технологиясига асосланган энергия манбалари (ноанъанавий қайта тикланадиган манбаалар), атмосферага

ифлослантирувчи моддалар чиқармагани учун экологик тоза ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида кичикгидростанция, қуёш, шамол, биомасса ресурслари ва геотермал энергия турларидан фойдаланиш долзарб ҳисобланади. Мустақилликка эришилган бир шароитда, энергетик, экологик, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида, шунингдек, ёқилғи, электроэнергетика ва сув тизими фаолиятидаги ўзгаришлар рўй бериб турган бир ҳолатда, республика энергетикасини ривожлантириш учун ноанъанавий қайта тикланадиган манбаалардан кенг фойдаланиш, ёқилғи, электр энергетикаси ва сув тизимини мамлакатимизда ривожлантириш мустаҳкам омил бўлиши лозим.

Жумладан, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Қонуннинг 20-моддасида ноанъанавий қайта тикланадиган манбааларни умумий тарзда фойдаланишни ҳуқуқий чегараси аниқланган. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги мажлисида 2009–2013 йиллар учун мамлакат энергетикаси хавфсизлигини таъминлашда электроэнергетикани модернизациялашни кўзда тутувчи дастурида, ноанъанавий ва қайта тикланадиган энергиядан фойдаланишнинг асосий роли белгилаб берилган. Мамлакатимизда халқаро ҳомий ташкилотлар ва молия институтлари томонидан етарлича қатор йирик лойиҳалар амалга оширилган, шунингдек, ноанъанавий қайта тикланадиган манбааларни ишлаб чиқариш ва сервис хизмати учун салоҳиятли илмий ва технологик база яратилган.


I боб. Наманган вилоятидаги форфор буюм ва ғишт ишлаб чиқариш кичик корхоналари ҳақида маълумот ва уларни таҳлили

1.1. Наманган вилоятидаги мавжуд ғишт заводлари назарий маълумотлар

"Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Президент қарорига асосан янги ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этиш, ишлаб турганларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш сарф - харажатларини камайтиришни ҳамда тайёр маҳсулот нархини арзонлашувини таъминлайдиган замонавий энергия тежайдиган технологияларни тадбиқ қилиш ҳисобига сифатли деворбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва шу асосда бозорни шундай материаллар билан тўлдириш масалаларини ҳал этишга қаратилди.


Ўзбекистан Республикаси ҳукумати томонидан қабул қилинган Давлат дастурлари асосида мактаблар, коллежлар, тиббиёт муассасалари мукаммал таъмирланди ва кўплаб янги бинолар қурилди. Қурилиш ишларини ўсиб бориши маҳаллий қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжлар ошиб боришига олиб келди.

Наманган вилоятида ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тарихига назар ташласак, ҳозирги даврда 1980 - йилларга нисбатан 2 маротаба ўсганлигини кўришимиз мумкин.



1-расм. Наманган вилоятида ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарни йиллик ривожланиш кўрсаткичлари.


Наманган вилояти туманларида ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд хом - ашё карьерларига яқин жойларга барпо этилган. Вилоятдаги ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 24% и Поп туманига, 18% и Янгиқўрғон тумани.



Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган ғишт ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларини таҳлил этилганда Тўрақўрғон туманидаги «Шохидон ғишт» МЧЖ ғишт ишлаб чиқариш корхонаси ва Косонсой туманидаги «Комилжон Мўминов» МЧЖ ғишт ишлаб чиқариш корхоналарида сифатли маҳсулот тайёрланмокда. Янгиқўрғон туманидаги «Кандиён ғишт» МЧЖ ғишт ишлаб чиқариш корхоналарида эса бир қатор камчиликлар аниқланди.

Наманган муҳандислик педагогика институтининг Қурилиш факултети "Муҳандислик коммуникациялари қурилиши" кафедраси профессор ўқитувчи, магистрлари билан биргаликда ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун бир нечта йўналишда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмокда. Жумладан доцент Н.Ходжиев раҳбарлигида сопол буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда энергияни тежаш йўллари бўйича ИТИ олиб борилмокда.

Ҳозирги пайтда Наманганда 45 та ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд. Улардан 31%и газ ва кўмир ёқилгиларига ишлайди.



2-расм. Газ ва кўмир ёқилғисига ишлайдиган ғишт ишлаб чиқариш корхоналари.


1. Жами ғишт заводлари.
2. Газга ишлайдиган ғишт заводлари.
3. Газ ва кўмирга ишлайдиган ғишт заводлари.
4. Вақтинча фаолиятини тўхтатган ғишт заводлари.

1.2. Тажриба қурилмаларини тайёрлаш.

Тажриба қурилмасини тайёрлашда мавжуд иссиқлик алмаштириш қурилмалари билан танишиб чиқилди. Тажриба қурилмасини аввалига макетини яратиш олди. Қурилма макетни тайёрлашда картон қағоздан фойдаландик. Тайёрланган бу қурилмада иссиқ сув қўйиб тажриба ўтказиш имкониятини чеклайди. Қурилмани такомиллаштириш ишларини олиб бордик. Сўнгра қурилмани рухланган тункадан тайёрладик. Қурилмани тункадан яратиш ишида қувур қобурғасини тайёрлашда муаммоларга дуч келинди. Қўзланган натижани олмаганимиздан кейин қурилмани тайёрлашда диаметри 50мм., узунлиги 1м. бўлган 2та бир хил пўлат қувурдан фойдаландик. Тажриба қурилмасини "Муҳандислик коммуникациялари қурилиши" кафедрасига қарашли лаборатория хонасида тайёрладик. Қувурлардан бирининг ичи ўз ҳолича иккинчисиникига эса ички қобурға ўрнатилди. Қувурларни бир учига 120С⁰ лик фасон қисмини маҳкамладик, иккинчи учини эса ёғочдан тайёрланган таянчга мустаҳкам қилиб бириктирилди.

1. Ички қобурғали қувур,
2. Қобурғасиз қувур,
3. Ёғочдан тайёрланган махсус каркас,
4. Уголник,
5. Пўлат стерженли тортқич,
6. Хомут,
7. Ёғочдан тайёрланган остки ва устки таянчлар.


Тажриба қурилмаси



9-расм. тажриба қурилмаси.

1.3. Тажриба-синов учун тайёрланган қурилмани геометрик ўлчамларини аниқлаш.


Қобурғали ва қобурғасиз қувур намуналарни геометрик ўлчамларини аниқлаш учун штангенциркуль ва чизғичдан фойдаланамиз.




Намуна ўлчамларни штангенциркуль билан аниқлаш.

Штангенциркуль билан қувур намунани ҳар бир қисмини: қувурнинг ташқи ва ички диаметри, қувур қалинлиги ва қувур қобурғасининг эни ва бўйининг қалинлиги бўйича 5та қисмидан ўлчанади ($d_1, d_2, d_3, d_4, d_5; t_1, t_2, t_3, t_4, t_5; b_1, b_2, b_3, b_4, b_5$) ҳар бир ёғининг ўртача арифметик қиймати сўнги натижа сифатида қабул қилинади.

Қобурғасиз қувурни ички ва ташқи диаметрини аниқлаш.



Қобурғали қувурнинг ички ва ташқи диаметрини аниқлаш.








Бу ерда, $d_{\text{ўр}}$, $t_{\text{ўр}}$, $b_{\text{ўр}}$ - намуна ўлчамларининг ўртача қийматлари, м.

$$d_{\text{ўр}} = \frac{d_1 + d_2 + d_3 + d_4 + d_5}{5} \text{ см};$$


Намуна қувурини штангенциркуль ёрдамида ўлчаш ишлари натижалари

1-жадвал.

Курилманинг деталларининг кўриниши	эскиз	1-натижа (см)	2-натижа (см)	3-натижа (см)	4-натижа (см)	5-натижа (см)	Ўртача натижа (см)
Қувур ички диаметри (см)		5,2	5,25	5,16	5,18	5,2	5,2
Қувур қобурғасининг қалинлиги (пластина) (см)		0,21	0,22	0,19	0,20	0,17	0,2
Қувур қобурғасини бўйи (пластина) (см)		1,4	1,47	1,49	1,43	1,41	1,44

						
Қувур қалинлиги (см) 	0,2	0,22	0,2	0,24	0,23	0,218
Қувурнинг ташқи диаметри (см) 	5,71	5,67	5,68	5,65	5,67	5,676

Қобурғасиз қувурни юзасини аниқлаш.




$$S_1 = \frac{\pi d^2}{4}$$

бу ерда, S_1 -қобурғасиз қувурнинг юзаси,
 $\Pi=3,14$, d - қувурнинг ички диаметри, см;

$$S_1 = \frac{\pi d^2}{4} = \frac{3,14 \cdot 5,2^2}{4} = 21,23 \text{ см}^2$$

Қобурғали қувурни юзасини аниқлаш.



$$S_2 = (S_1 - 4 \cdot ab)$$

Бу ерда, S_2 -қобурғали қувурнинг юзаси,

S_1 - қобурғасиз қувурнинг юзаси, a - қувур қобурғасини бўйи (пластина),

b - Қувур қобурғасининг қалинлиги (пластина), см;


$$S_2 = (S_1 - 4 \cdot ab) = 21,23 - 4 \cdot 1,44 \cdot 0,2 = 21,23 - 1,152 = 20,078 \text{ см}^2$$

Қобурғасиз ва қобурғали қувурларнинг сув сиғими фарқи.

$$A\% = \frac{S_1 - S_2}{S_1} \cdot 100 = \frac{21,23 - 20,078}{21,23} \cdot 100 = 5,4\%$$

Бундан кўришиб турибдики қобурғасиз қувур ичига қобурғаликка нисбатан 5,4% кўпроқ сув сиғар экан.

Иссиқлик ташувчининг қувурга нисбатан ишқаланиш юзаси.




$$F_1 = \pi d$$

Бу ерда, F_1 - қобурғасиз қувурнинг ишқаланиш юзаси,

$\pi=3,14$, d -қобурғасиз қувурнинг ички диаметри;

$$F_1 = \pi d = 3,14 \cdot 5,2 = 16,3$$

Иссиқлик ташувнинг мураккаб кесим бўйлаб ишқаланиш юзаси.



$$F_2 = (\pi d + (2a + b) \cdot 4 - 4b)$$

Бу ерда, F_2 - қобурғали қувурнинг ишқаланиш юзаси,

$\pi=3,14$, d -қобурғали қувурнинг ички диаметри; , a - қувур қобурғасини бўйи (пластина), b - Қувур қобурғасининг қалинлиги (пластина), см;

$$F_2 = (\pi d + (2a + b) \cdot 4 - 4b) = (16,3 + (2 \cdot 1,44 + 0,2) \cdot 4 - 4 \cdot 0,2) = 27,82$$

Икки кесим юза бўйича фарқлари.

$$B\% = \frac{F_2 - F_1}{F_1} \cdot 100 = \frac{27,82 - 16,3}{16,3} \cdot 100 = 70,67\%$$

1.4. Ҳарорат ўлчаш асбоблари.

Жисм қизиш даражасини тавсифловчи катталиқ ҳарорат дейилади. Молекулалар кинетик энергияси ва идеал газ ҳаракати ўртасидаги боғлиқликлар қўйидаги ифода билан аниқланади: $E = (3/2)kT$, бу ерда, $k = 1.380 \cdot 10^{-23} \text{ Ж} \cdot \text{К}^{-1}$ - Больцман доимийси; T - жисм абсолют ҳарорати, К.

Ҳароратни ҳар доим ҳам бевосита ўлчаш мумкин эмас. Уларнинг қийматини жисмнинг ҳароратга боғлиқ равишда ўзгарувчи қандайдир бошқа физик ўлчамларга асосан аниқлаш мумкин.

Ҳароратга боғлиқ бундай ўлчамлар сифатида ҳажм, узунлик, электр қаршилик, иссиқлик электр ҳаракатланувчи куч, энергетик нурланиш эркинлиги ва бошқаларни келтириш мумкин. 1598 йилда биринчи бўлиб Галилей томонидан ҳарорат ўлчаш асбоби таклиф қилинган. Кейинроқ М.В.Ломоносов, Фаренгейт томонидан ҳарорат ўлчаш асбоблари кашф қилинган. Гомер, Цельсий шкалалари пайдо бўлган.

Ҳозирги вақтда 1968 йилда тақризидан ўтган халқаро миллий ҳарорат шкаласи қўлланилмоқда. МПТШ-68 мувофиқ асосий ҳарорат деб термодинамик ҳарорат T ҳисобланади. Унинг ўлчаш бирлиги Кельвин (К) сувнинг қаттиқ, суюқ ва газ кўринишидаги фазалар ўртасида мувозанат термик ҳарорати $1/273,16$ қисми (сувнинг уч ёклама нуқтаси). Цельсий ҳарорати t қуйидаги ифодадан топилади:

$$t = T - T_0, \text{ бу ерда } T_0 = 273,13 \text{ К.}$$

Ҳарорат фарқи Келвинда ҳам Цельсийда ҳам ифодаланади. МШПТ-68 ҳароратни 13,81 дан 6300 К гача бўлган оралиқда ўлчашни таъминлайди.

Бизни мамлакатимизда МШПТ-68 дан ташқари миллий ҳарорат шкалалари белгиланган бўлиб уларни вазифаси 0,01 дан 10000 К гача топилган диапазондаги ҳароратли ўлчамдан иборат.


Ҳозирги вақтда фаннинг турли соҳаларида ва саноатда ҳарорат ўлчашни турли усуллари қўлланилмоқда. қўйидаги жадвал саноатда энг кўп тарқалган ҳарорат ўлчаш воситалари ўлчов воситалари қўлланиш чегаралари келтирилган.

Ўлчаш воситаси	Ўлчаш воситалари кўринишлари	Узоқ муддат қўллаш чегараси	
		Паст	Юкори
Кенгайиш термометрлари	Шишачали суюқлик термометрлари	-200	600
	Манометрик термометрлари	-200 (-272)	1000
Қаршилиқ термометрлари	Металли (ўтказгичли) қаршилиқ термометрлари	-260	1100
	Ярим ўтказгичли қаршилиқ термометрлари	-272	600
Термоэлектрик термометрлар	Термоэлектрик термометрлар	-200 (-270)	2200 (2800)
Пирометрлар	Квазимонохроматик пирометрлар	700	6000 (100000)
	Спектрал нисбатли пирометр	300	2800
	Тўлиқ нурланиш пирометри	-50	3500

Саноатда ҳарорат ўлчаш воситалар қўлланилиши чегаралари кўрмаган кузатувчи қабул қилиши учун сигнални қулай шаклда бериш автоматик қайтиш, узатиш ва бошқарув автоматик тузилмадан фойдаланиш вазифаларига эга ҳарорат ўлчаш воситаси термометр дейилади.

Кенгайиш термометрлари.

Шишачали суюқлик термометрларининг ишлаш принципи термометр ичидаги термометрик суюқликнинг ҳароратга боғлиқ равишда кенгайишга асосланган. Шиша термометрлар конструкциясига кўра таёкча шаклда ёки шкаласи пластинкага солинган холда бўлади (10- расм).



10-расм. Тажриба симобли термометр.

а. Таёкча шаклли. *б.* Шкалали пластинка солинган шиша термометр.

Шиша резервуарнинг 1 унга кавшарланган шиша капилярдан тўзилган, 2 капиляр бўйлаб шкала туширилган. Резервуар капиляр ва шиша қоплам 4 ичига жойлаштирилган. Улар резервуарга кавшарланган. Таёкча шаклли шиша термометрлар ўалин деворли капилярнинг 1 унга кавшарланган резервуарнинг 2 таёрланган. Термометр шкаласи ташқи юзасига солинган мухитнинг ҳарорати термик суюқлик ҳажмини кенгайтиришга кўра капилярдаги суюқлик сатҳи ҳолати бўйича Цельсий градусларига асосан градировка қилинган шкалани аниқланади.

Ҳозирги вақтда шиша термометрларни қўйидаги турлари ишлаб чиқарилмоқда.

1. Тўғри ва бурчакли шкала чизилган шиша пластинка солинган техник симоб термометрлар. Бундай термометрлар 30°C дан 600°C гача бўлган ҳароратни ўлчаш учун хизмат қилади.

2. Таёкча ва шкала солинган тажриба симоб термометрлари. Бу термометрлар -30°C дан 600°C гача бўлган ҳароратни ўлчаши мумкин.


3. Суюқлик термометрлари. Бу термометрларга таёкчасимон шкаласига солинган, шкала пластинкаси ташқарида бўлган термометрлар киради. Уларнинг ҳарорат ўлчаш чегаралари -20°C дан 200°C гача бўлади.

4. Юқори аниқликга эга ва наъмунавий-симоб термометрлари. Уларнинг ўлчаш диапозони 4°C дан 50°C гача бўлади.

5. Электр контактли симоб термометрлари. Бундай термометрлар доимий ҳароратни ўлчаш учун ёки белгиланган ҳарорат ҳақида хабар бериш

учун -30°C дан 300°C гача бўлган ораликда ишлайди. Бундай термометрлар доимийлиги ва кўзгалувчан ишчи контактли бўлади. Кейинги шкала чегаралардаги ихтиёрий ҳароратга ўрнатилиши керак.

6. Маҳсус термометрлар. Бундай термометрлар медицина, метеорология, тупроқ ҳароратини ўлчаш учун ишлатилади.



11-расм. Техник термометр.

а. Тўғри. *б.* Бурчакли.

1.5. Тажриба қурилмасида синов ишларини ўтказиш

Қобурғали ва қобурғасиз қувурлар учун тайёрланган тажриба қурилмасида бажарилган синов ишлари.

1. Синов ишлари бажарилган жой-Наманган шаҳар Дўстлик кўчаси 12-уй 1-ўқув биноси 1-қават 124-хона.
- 2.Синов ишлари ўтказилган ташкилот номи- НамМПИ Қурилиш факультети “МКҚ” кафедраси.
3. Синов ишлари ўтказилган сана-18 март 2013-йил .
4. Синов ишлари ўтказилган вақт-12:00-15:20
5. Об-ҳаво тўғрисида маълумот-(Об ҳаво тўғрисидаги маълумот 6. Интернет тармоғидан Наманган шаҳри учун олинди.(www.pogoda.uz)
7. Ҳаво ҳарорати +20°C
8. Ҳаво босими 718мм.сим.ус
9. Ҳавонинг нисбий намлиги 28%
10. Шам ол тезлиги жанубдан, жанубий-ғарбга 1м/с.

Тажриба- синов ишлари бажаришдан асосий мақсад қувурларни иссиқлик бериш каэффицентини аниқлаш. Тажриба ишларини бажаришда иккала қувурга ҳам бир хил 100С⁰ даги иссиқ сув қуйдик ва иккала қувурга ҳам бир хил иссиқлик ўлчаш асбоблари яъни термометр ўрнатдик. Тажриба ишларини бажариш 3 соат давом этди. Олинган натижани 2-жадвалга ёздик.

Тажриба синов ишларида олинган натижа

2-жадвал.

Т/Р	Ҳар 5-минут оралиғдаги белгиланган вақт мин.	Белгиланган вақт ичида қобурғали қувур ичидаги сув харорати С ⁰	Белгиланган вақт ичида қобурғасиз қувур ичидаги сув харорати С ⁰
1	2	3	4
1	12:09	83 °С	86 °С
2	12:14	75 °С	82 °С
3	12:19	71 °С	78 °С
4	12:24	68 °С	74 °С

5	12:29	65 °C	72 °C
6	12:34	61 °C	68 °C
7	12:39	58 °C	65 °C
8	12:44	54 °C	62 °C
9	12:49	51 °C	59 °C
10	12:54	49 °C	56 °C
11	12:59	47 °C	54 °C
12	13:04	45 °C	52 °C
13	13:09	43 °C	50 °C
14	13:14	42 °C	48 °C
15	13:19	40 °C	46 °C
16	13:24	39 °C	44 °C
17	13:29	38 °C	43 °C
18	13:34	37 °C	42 °C
19	13:39	35 °C	41 °C
20	13:44	34 °C	39 °C
21	13:49	33 °C	38 °C
22	13:54	32 °C	37 °C
23	13:59	31 °C	36 °C
24	14:04	30 °C	35 °C
25	14:09	29 °C	34 °C
26	14:14	28 °C	33 °C
27	14:19	27 °C	32 °C
28	14:24	26 °C	31 °C
29	14:29	25 °C	30 °C
30	14:34	24 °C	30 °C
31	14:39	23 °C	29 °C
32	14:44	21 °C	28 °C
33	14:49	20 °C	27 °C
34	14:54		25 °C
35	14:59		23 °C
36	15:04		21 °C
37	15:09		20 °C

II боб. Методика қисми
2.1. Маъруза машғулотининг технологияси


Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 25-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза, икки томонлама таҳлил.
Маъруза машғулотининг режаси	1. Ғишт заводлари ҳақида умумий маълумотлар.. 2. Тупроқ таркибидаги зарарли моддалар. 3. Ғишт заводларидаги мавжуд муаммолар.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> ижтимоий ҳўжалик шакллариининг ривожланиши боқичларини тавсифлаш, натурал ҳўжаликдан товар ҳўжалигига ўтиш сабабларини аниқлаш, иқтисодиётнинг ривожланишида ижтимоий меҳнат тақсимотининг ўрнини белгилаш, товарнинг хоссаларини тушунтириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> – - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. – дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосилқилиш. иқтисодий ахборотлар-ни таҳлилқилиш кўникмаларини ривожлантириш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: -иложи борица дарсга яхши қатнашиш ва керакли билимга эга бўлиш – . мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. – дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш. иқтисодий ахборотлар-ни таҳлилқилиш кўникмаларини ривожлантириш
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, ҳикоя, ахборот, товар, пул
Ўқитиш шакли	Гуруҳий, коллектив
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, ЎТВҒКТ график органазаер
Ўқитиш шарт-шароити	Жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси ёшонқилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади.	1.1. Ешитадилар, ёзадилар, жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Дарс аввалида ва сўнгида “биламан- билдим” жадвалини тўлдириш учун саволлар тарқатилади. 2.3. Тупроқ таркибидаги зарарли моддалар. 2.4. Ёишт маркалари. 2.5. Ёишт заводларидаги фойдаланилган энергиядан иккиламчи энергия сифатида фойдаланиш йўллари излаш. 2.6. Б.Б.Б. жадвалининг 2-устунини тўлдиришни таклиф этади.	2.1. Муаммоли саволларга ёштибор берадилар: «биламан- билдим» жадвалининг 1- устунини тўлдирадилар. 2.2. Ешитадилар, ёзадилар. 2.3. Б.Б.Б. жадвалининг 2- устунини тўлдиради.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тўхталади. Б.Б.Б. жадвалини тўлдиришдаги савол- жавобларни таҳлилқилади ва фаол талабаларни баҳолайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради: муаммоли саволларга тайёргарлик кўриш.	3.1. Ешитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.

2.2. Ўқув материаллар

Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонда кўплаб қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қабул қилинган Давлат дастурлари асосида мактаблар, коллежлар, тиббиёт муассасалари мукаммал таъмирланди ва кўплаб янги бинолар қурилди. Қурилиш ишларини ўсиб бориши маҳаллий қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжлар ошиб боришига олиб келди. Наманган вилоятида ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тарихига назар ташласак, ҳозирги даврда 1980 – йилларга нисбатан 2 маротаба ўсганлигини кўришимиз мумкин.



Маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан доимо қўллаб келинган. Жумладан 2009-йил 19-июнда ПҚ-1134 билан, “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент қарорига асосан янги ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этиш, ишлаб турганларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш сарф – ҳаражатларини камайтиришни ҳамда тайёр маҳсулот нархини арзонлашувини таъминлайдиган замонавий энергия тежайдиган технологияларни тадбиқ қилиш ҳисобига сифатли деворбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва шу асосда бозорни шундай материаллар билан тўлдириш масалаларини ҳал этишга

қаратилди. Ҳозирги пайтда Наманганда 45 та ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд. Улардан 31%и газ ва кўмир ёқилғиларига ишлайди.



Ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларини таҳлил этилганда қуйидаги камчиликлар аниқланди:

- Ғишт деворлари барпо этилганда ғишtdан шўр чиқиб коррозияланиши;
- Хом ғишtlарни қуриштида механизация механизмларидан фойдаланмаслик оқибатида ғишtнинг геометрик ўлчамлари ДАСТ га жавоб бермаслиги;
- Хом – ашё таркибида оҳаксимон қолдиқларни мавжуд бўлиши, ғишт тайёр бўлганда озгина нам таъсирида сўндирилмаган оҳак қолдиғи реакцияга киришиб ғишт сифатини пасайтириб юбориши;
- Мавжуд ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг аксариятида ишлаб чиқариш механизациялашмаган ва асосий ишлар қўл меҳнати орқали амалга оширилади.
- Карьерлардаги хом – ашё таркибидаги шўрни ювиш учун алоҳида майдонларга ажратиш ва сув бостириш лозим.
- Хом – ашё тупроқни майдалашда вальцовка тегирмонидан фойдаланилмайди.
- Ғиштни пиширишда таркибига кўмир кукунидан қўшилса пишириш даврида ғишт ҳам яхши пишади ҳам мустаҳкам бўлади.
- Ғишт ишлаб чиқарувчи корхонларида ғиштни печга ташувчи вогонеткаларга бўлган талаб катта.

Наманган муҳандислик педагогика институтини Қурилиш факултети “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” кафедраси профессор ўқитувчи, магистрлари билан биргаликда ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун бир нечта йўналишда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан доцент Н.Ходжиев раҳбарлигида сопол буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда энергияни тежаш йўллари бўйича ИТИ олиб борилмоқда. Ассисент А. Абдурахмонов томонидан ҳондакли ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарда оловга бардош плита конструкцияларини ишлаб чиқди ва ҳаётга тадбиқ этилди.

2.3. Таҷриба машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти - 2-соат	Талабалар сони: 25-30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосилқилиш бўйича муаммоли таҷриба.
Таҷриба машғулотининг режаси	1. Ёишт заводлари ҳақида умумий маълумотлар.. 2. Тупроқ таркибидаги зарарли моддалар. 3. Ёишт заводларидаги мавжуд муаммолар.
Ўқув машғулотининг мақсади: мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш. Мавзу бўйича иқтисодий категорияларни моҳиятини ўрганиш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> – мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. – дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосилқилиш. – иқтисодий ахборотлар-ни таҳлилқилиш кўникмаларини ривожлантириш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: Сув узатиш ва тақсимлаш тизимларини зилзила жиҳатидан хавфли ҳудудларда лойиҳалаш вақуришнинг ўзига хос хусусиятлари таъриф бера оладилар ва уни шарҳлайдилар. -бозор иқтисодиётининг 2 тури ва уларга хос белгиларни ажратиб берадилар; -бозор иқтисодиёти субъекти ва объектини аниқлайдилар; – - бозор иқтисодиётига хос муаммоларни сана
Ўқитиш услуби	Муаммоли усул, блиц-сўров.
Ўқитиш шакли	Фронтал , жамоа ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, флипчарт, маркер, конспектлар
Ўқитиш шарт-шароити	Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

2.4.Тажриба машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзу, режа ва мақсад, тажриба машғулотининг режаси маълумқилинади.	Ешитадилар ва мавзунини ёздадилар
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Муаммоли масалаларни ўқиб беради муаммони шакллантиради ва муаммоли дарскоидасини еслатиб ўтади (1-Илова). 2.2. Билимларни фаоллаштириш мақсадида асосий тушунчалар борасида блиц сўров ўтказилади (Илова 2). 2.2. Талабаларни гуруҳларга бўлади ва уларга гуруҳлар еътиборига вазифани ҳаволақилади. Уйга вазифа сифатида берилган муаммоли саволларнинг жавобларини гуруҳларда ўзаро муҳокамақилади ва презентацияга тайёрлайди. 2.3. Гуруҳ сардорлари муҳокамани, ўз презентацияларини тақдимотқилишига таклиф етади. 2.4. Ноаниқликларни аниқлаштиради, саволларга жавоб беради. Бажарилган ишларни гуруҳлар фаолиятини баҳолайди. Ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун назорат саволлари беради.	2.1. Ешитадилар, еслайдилар. Саволларга жавоб берадилар. 2.2. Гуруҳларда ишлайдилар тақдимотга тайёрланадилар. 2.3. Рақиб гуруҳга саволлар беради. Мунозарада иштирок етади. Ешитадилар, ёзиб оладилар. 2.4. Саволларга жавоб берадилар.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзунини якунлайди, умумий ҳулоса чиқаради иштирокчиларни баҳолайди, рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ: “Ўзбекистон Республикасида жами мабжуд/ишт заводлари ҳақида маълумотлар йиғиш.	Эшитади, аниқлаштиради ва топшириқни ёзиб оладилар.

Мустақил иш учун топшириқ ушбу мавзулардан бирига реферат ёзинг:

1. Ёишт маркалари ҳақида маълумотлар ййғинг.
2. Ёишт заводларидаги муаммоларни хал қилиш йўлларини топиш
3. Ёишт заводларидаги энергиядан яна қандай йўлларда фойдаланиш мумкин.

Мунозара қатнашчиларига еслатма

1. Мунозара муносабатлар ййғиндиси емас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат;
2. Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга еришиш йўлида хиссиётларинни жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаатқил;
5. Рақибларинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истехзоли ёндаш;
